

**ВИКИ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРИНИНГ
ЁЗМА НУТҚ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ
ЎЗИГА ХОС УСУЛЛАРИ**

Сафарова Фотима Исамиддиновна

Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги

Тошкент ахборот технологиялари университети

E-mail: fatima0580@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада талабаларининг инглиз тилида ёзма нутқ компетенциясини такомиллаширишда Вики-технологиянинг услубий салоҳияти қўриб чиқилади. Муаллиф “вики технологияси” атамасига таъриф беради; вики-технологиянинг дидактик хусусиятлари ва услубий вазифаларини қўриб чиқади; ўқувчиларнинг вики-технология асосида ёзиш қўникмаларини ривожлантириш усулларини таклиф этади.

Калит сўзлар: Web 2.0., технология, вики, интерактив, интерфейс, ёзув, компетенция.

**SPECIFIC METHODS OF DEVELOPING STUDENTS' WRITING SKILL
BASED ON WIKI TECHNOLOGY**

ABSTRACT

The article examines the methodological potential of Wiki-technology in improving students' English written speech competence. The author defines the term “wiki technology”; considers didactic features and methodological tasks of wiki-technology; offers ways to develop students' wiki-based writing skills.

Keywords: Web 2.0., technology, wiki, interactive, interface, writing, competence.

Инсоннинг нутқий фаолиятида ёзма нутқни ўрганиш лингводидактика ва чет тилларини ўқитиш методикасида муҳим ўрин тутади. Ёзма нутқ оғзаки нутқ билан биргаликда нутқнинг продуктив турига кириб, аниқ график белгилар (ҳарфлар) билан ифодаланади. Методик адабиётларда ёзув бу маълум бир тилнинг график ва орфографик тизимини тўғри қўллаш техникаси деб, ёзма нутқ эса – фикрни ёзма ифодалаш маҳорати деб таърифланган. Шу ўринда Л.П.Солонцова “Ёзув - ёзма нутқ яратилиши билан боғлиқ бўлган продуктив аналитик синтетик фаолиятидир” деган фикрни илгари суради.

Л.В.Капличнинг фикрига кўра, ёзма нутқ компетенцияси эса (шунигдек, оғзаки нутқ) - бу тизим бўлиб, унинг тузилиши битта ҳодисани - нутқ алоқаси жараёнини тавсифловчи ўзаро боғлиқ элементлар билан ифодаланади.

Ёзма нутқ компетенцияси, талаба тилни етарлича юкори даражада ўзлаштирган вақтга қадар тўлиқ шаклланади. Чунки, ўрганилаётган тилда хатосиз ва мантиқан боғлиқ изчил матнларни эркин туза олиш учун талаба тил грамматикасини мукаммал билиши ва лугат бойлиги кенг, матнларнинг жанрлари ва турлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши ҳамда турли усулларни ўзлаштириши лозим бўлади. Бизга маълумки талаблар ёзма нутқ компетенциясини мавафақиятли эгаллаш жараёнида бир қанча қийинчиликларга дуч келадилар. Улар наздида ёзув бу мураккаб ва зерикарли жараён. Ушбу жараённи осонлаштириш ва қизиқарли қилиш учун биз тил ўқитвчилари интернет хизматлари, яъни Web 2.0. технологияси ва Вики технологиясига юзланамиз.

Web 2.0. технологияси ижтимоий тармоқда матн, графика ва аудиодан умумий фойдаланишни таклиф этувчи, онлайн ўзаро таъсир ва ҳамкорлик шаклини ўзгартирадиган Web 1.0 интернет хизматларининг иккинчи авлоди вакилидир. Web 2.0 иштирокчилари ҳеч қандай масофа тўсиқ бўлмайдиган

жамоавий фикрлаш ва фикр алмашишлари мумкин бўлган виртуал онлайн ҳамжамиятларни яратишлари мумкин. Фойдаланувчилари орасида фаол ҳамкорлиги ушбу янги авлод Web технологиясининг яна бир муҳим хусусиятидир. К.Дрискол таъкидлаганидек: “Бугунги технологияни яхши биладиган талабалар авлоди ижтимоий медиа ва бошқа онлайн алоқаларда фаол иштирок этмоқда, шунинг учун кўпчилик талабалар нафақат Web 2.0 ўқув воситаларидан қандай фойдаланишни тушунишади, балки веб-муроқот ечимлари интеграциялашган синф мухитда ривожланишади.”

Шу сабабли замонавий таълим тизимида Web 2.0 воситалари бўлмиш блоглар, подкастлар ва Викилардан фойдаланиш кундан кунга оммалашиб бормоқда. С. Хазари ва Д. Шнорр ўқувчиларни интерактив форматга жалб қила олиш, бутун дунё ўргимчак тўрининг таълим соҳасида илк бор интеграциялашувининг энг кучли жиҳати деб ҳисоблашган.

Т.Шранднинг фикрича таълимда технологиядан фойдаланиш талабаларни рағбатлантириш учун бир қатор афзаликларга эга. Кейинчалик Т.Шранд технологиялар ўқувчиларни синфда фаолроқ бўлишга рағбатлантирибина қолмасдан балки тур ҳил билим ва таълим олиш усулларига мурожаат қилишга имкон беради деб таъкидлайди.

Викилар Web 2.0 арсеналидаги интернетда ёзиш ҳамда ўқиш учун мўлжалланган истиқболли воситаларидан биридир. Дж.Лининг фикрича ушбу технология талабаларнинг ўз фикрларини айтишга имкон бериб, уларни қўллаб куватлайди. Шунингдек, у талабаларга ўқиш, ёзиш, фикр юритиш ва ҳамкорликда ўрганиш қўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Вики тармоғи 1995 йилда Экстримал дастурчи Уорд Каннингем (Ward Cunningham) томонидан биринчи Portland Sample Repository (намуналарнинг Портлэнд омбори) яратилди. Вики хизматининг номи Уорд Каннингемнинг Гавайига бўлган сайёҳатлари таасуротлари асосида гавайи тилидан “WiKi WiKi” сўзидан олинган бўлиб, “тез” деган маънони англатади. Гавайига бўлган таътилидан сўнг Каннингем ушбу воситани "WikiWikiWeb" деб номлади.

Унинг мақсади интернетга маълумотларни ҳамкорликда жойлаш бўлиб, шу мақсадда у ҳали ҳам фаол бўлган сайтини <http://c2.com/cgi/wiki> яратади. Каннингемнинг орзуси Вики каби самарали ишлиши мумкин бўлган энг оддий маълумотлар базасини яратиш эди.

Уорд Каннингем 2001 йилда Бо Льюф билан ҳаммуаллифликда ёзган “Wiki Way” китобида Вики атамасига қўйидаги таърифни беради “Вики бу ахборотни сақлаш ҳамда таҳрирлаш учун гиперматнли тизим, маълумотлар базаси тури бўлган гиперҳаволалар орқали боғланган эркин кенгайиш хусусиятига эга бўлган веб-саҳифаларнинг тўпламидир”. Вики фойдаланиш ва тушунишга осон бўлган оддий таҳрирлаш ва нашр қилиш интерфейсини таклиф қиласди. Фукс-Киттовски ва Андрэ Келер Вики-ни “веб-сайтларни ҳамкорликда яратиш ва уларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган очиқ муаллифлик тизими” деб таърифлайдилар. Бундан ташқари ушбу муаллифлар Вики технологияси - ҳамкорликда ишлиши осонлаштириши ва янги билимларни яратиши мумкинлиги таъкидлашмоқда. Хусусан, улар Викидан турли ҳил ҳолатларда (контекст) фойдаланиш мумкинлигини таклиф қилишди.

- Таркибни бошқарув тизими
- Мунозара тахтаси
- Гуруҳли дастурий таъминотнинг бошқа шакли

Вики жамоавий гиперматнинг радикал моделини тармоқ ҳамжамиятининг ҳар бир аъзосига ҳар қандай ёзувни яратиш ва таҳрирлаш имконияти тақдим этилганда амалга оширади. Бу каби хусусият викиларни гиперматнларни жамоавий ёзиш учун энг истиқболли восита яъни, бутун гуруҳ ёзиши мумкин бўлган замонавий “электрон доска”га айлантиради.

Шундай қилиб, ушбу технология фойдаланувчига қўйидаги мкониятларни беради:

- ✓ тўғридан-тўғри веб-браузерда сайт саҳифаларини/матнларини таҳрирлаш;
- ✓ сайт/матн саҳифалар орасидаги гиперҳаволаларни янгилаб туриш;

- ✓ HTML ўрнига матн учун соддалаштирилган белгилашдан фойдаланиш;
- ✓ вики-мақолаларда бўлган барча киритилган ўзгаришларни сақлаш;

Гурух ишини ташкил қилиш воситаси сифатида вики-технологияси ўзининг фойдаланишга қулайлиги, мослашувчанлиги ва очик кириш имкониятига эканлиги билан машҳур. Шунингдек, блоглардан фарқли ўлароқ, викилар ҳамкорликда ёзилган нашрларнинг дастлабки қўринишини кўздан кечириш ва тиклаш имкониятини ҳам беради.

Тил ўқитувчи сифатида биз қуидаги топшириқ ва вазифаларни вики технологияси ёрдамида талабалар билан ҳамкорликда бажаришимиз мумкин:

- услугий кўрсатма, ўқув қўлланма, луғат ва х.з биргаликда яратиш;
- библиографик шаклдаги гурух лойиҳаси яратиш;
- яратилган қўлланма ёки дарсликнинг тиниш белгиларини тузатиш;
- муаллифликни талаб қилмайдиган ҳар қандай лойиҳа;
- турли ҳил тадбирлар масалан илмий конференциялар режалаштириш;
- талабалар учун биргаликда тарқатма материал яратиш;
- талабаларга ҳамкорликда китоблар ва журналлар яратиш, яъни Викибукс;
- муҳокама ёки дебатлар олиб бориш;

Қуида Вики асосида талабаларга берилиши мумкин бўлган бир нечта вазифаларнинг намуналари берилган:

1. Wikipedia сайтидан бирор бир мавзу танланиб уни фактларга бўлиб берилади. Сўнг талабалар ўзларининг билим ва қўникмалари ёрдамида ушбу маълумотларга тузатиш киргизадилар ёки маълумотни тўлдирадилар.

2. Яна оддий вазифалардан бири инглиз тилида ўзи ҳақида гапириб бериш. Ўқув йилининг биринчи дарсида ушбу мавзуда гапириш талаблардан талаб этилади. Ушбу вазифани қизикарли қилиш учун талабага вики технологияси ёрдамида ўзининг шахсий саҳифасини яратишни айтамиз. Бу сайт аниқ бир гурух учун очилади ва барча гурух аъзолари ушбу сайтга ўзларининг фотосуратларини

хамда маълумотларини инглиз тилида киритишиди. Сўнг улар вики уй саҳифасига ҳавола яратадилир. Танишиш жараёнида тил билиш даражаси юкорироқ бўлган талаба инглиз тилида киритилган маълумотдаги грамматик, стилистик хато ва камчиликларни топиб бемалол тўғирлаб чиқиши мумкин. Бу жараён ўқитувчининг вазифасини ҳам енгиллаштиради.

3. Ёзув кўникмасини ривожлантиришга қаратилган “a book or film review” яъни китоб ёки фильм учун шарҳ ёзиш бўлиши мумкин. Бунда талабалардан ўзлари кўрган фильмлари ёки ўқиган китобларнинг рўйхатини тузишни сўраймиз (8-10 та атрофида). Рўйхат тайёр бўлгандан сўнг улардан биттасини танлаб шарҳ ёзишларини айтамиз. Бу жараён ҳам вики технологияси ёрдамида амалга оширилади. Талабалар интернетдага ушбу китоб ёки фильмга ёзилган шарҳларни ўқишиди ва ўзларининг шарҳларини қўшишиди.

Электрон ўқитиш саноати асосчиси Кристофер Папас Вики технологияси ёрдамида талабаларга вазифа сифатида қўйидаги топшириқларни таклиф қиласиди:

Талаба - муҳаррир топшириғи.

Ушбу вазифада инглизи тилининг грамматикасини мураккаб ва рақобатбардош ўйинга айлантирамиз. Грамматик хатоларга эга матн талабаларга берилади ва уни таҳрирлаш учун талабалардан викидан фойдаланишлари кераклиги айтилади. Ўқитувчи талабаларни гуруҳларга ажратиши ҳам мумкин ва энг кўп таҳрир қилган гурух ғалаба қозонади.

Шеърият дарси.

Бу вазифа талабаларни инглиз шеърияти билан таништириш билан бир қаторда уларнинг шеъриятга бўлган қизиқишиларини орттиради ва ўз ижод маҳсулларини ҳам оммага намойиш қилиш имконини беради. Ўқитувчи исталган инглиз тилидаги шеърни интернетга жойлаштиради ва ўқувчилардан унинг маъносини муҳокама қилишиларини сўрайди.

Хулоса қилиб айтганда, Вики технологиясидан дарс жараёнида фойдаланиш талабаларнинг ёзув кўникмасини ривожлантирибгина қолмасдан, балки

талабалар ва ўқитувчилар учун бир қатор потенциал имтиёзларни, шу жумладан, Интернет орқали маълумот алмашиш, билим алмашиш, ҳамкорликни осонлаштириш, ижтимоий ўрганиш ва ўзаро фикр-мулоҳазаларни тақдим этиш имкониятини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Bo Leuf, Cunningham, W.(2001) The Wiki Way: Quick Collaboration on the Web: Addison Weslay p.15
2. Boulos, M. N. K., Maramba, I., & Wheeler, S. (2006). Wikis, blogs and podcasts: a new generation of Web-based tools for virtual collaborative clinical practice and education. BMC medical education, 6(1), 41.
3. Cunningham, W. (2003). A Conversation with Ward Cunningham . Exploring with Wiki <http://en.wikiquote.org/wiki/Ward>
4. Driscoll, K. (2007), “Collaboration in Today’s Classroom: New Web Tools Change The Game.” Multimedia & Internet @ Schools, Vol. 14, No. 3, pp. 9-12
5. Hadjerrouit, S. (2014). Wiki as a collaborative writing tool in teacher education: Evaluation and suggestions for effective use. Computers in Human Behavior, 32,
6. Hazari, S. I., & Schnorr, D. (1999), “Leveraging Student Feed-back to Improve Teaching in Web Based Courses.” Techno-logical Horizons in Education, Vol. 26, No. 11, pp. 30-38.
7. Leight, J. (2008), “Lifting the Fog On Instructional Blogs.” Journal of Physical Education, Recreation & Dance, Vol. 79, No. 2, pp. 52-55.
8. Mattison, D. (2003), “Quickiwiki, Swiki, Twiki, Zwiki and the Plone Wars Wiki as a PIM and Collaboration Content Tool” – Infotoday, 2003. – No.4, Vol.11.
9. Safarova, F.I., (2021) “Ways of implementing wiki technology in teaching English.” The American Journal of Engineering and Technology (ISSN – 2689-0984 p. 118-122.

10. Wagner, C., (2004), Wiki: A Technology for Conversational Knowledge Management and Group Collaboration Communications of the Association for Information Systems, 13, p. 270.
11. Маркова Ю.Ю. Методика развития умений письменной речи студентов на основе вики-технологии (английский язык, языковой вуз) : дис. ... канд. пед. наук. М. : МГГУ им. М.А. Шолохова, 2011
12. Солонцова Л.П. Современная методика обучения иностранным языкам Учебник . для студентов педагогической специальности и преподавателей иностранных языков разных типов образовательных учреждений - Алматы Эверо, 2015. С.259.